Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 108 (7. 197) ◉ 1990 йил 14 май, душанба Баҳоси 3 тийин

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми

12 майда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг I пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди.

Пленум Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Ҳ. Асқаровни, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари Ғ. А. Алиевни, «Висотстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармаси бригадасининг бошлиғи А. В. Глубокийни, тепловоз депосининг тепловоз машинисти Ҳ. А. Исамуҳамедовни, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Д. Карловни, Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси Ф. Н. Нажмитдиновни, 10-поликлиниканинг бош врачи Г. В. Салабаевани, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимовни Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари этиб сайлади.

Пленум Тошкент шаҳар партия комитетининг ташкилий-партиявий ва ҳуқуқ-тартибот ишлари бўйича; мафкуравий ишлар бўйича; ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича комиссияларини ташкил этди.

Ташкилий-партиявий ва ҳуқуқ-тартибот ишлари масалалари бўйича комиссиянинг раиси этиб Ю. А. Асепков, ўринбосари этиб А. С. Разоқов сайланди.

Мафкуравий ишлар масалалари бўйича комиссия раиси этиб Х. М. Абдураимов сайланди.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича комиссия раисининг ўринбосари этиб С. А. Никулин сайланди.

Шаҳар партия комитети аппарати қайта тузилиши ва қисқартирилиши муносабати билан пленум шаҳар партия комитети котиблари ва бўлим мудирлари вазифаларини қўшиб олиб боришга қарор қилди. Шу муносабат билан шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ва ҳуқуқ-тартибот ишлари бўлимининг мудири этиб, шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов мафкуравий бўлим мудири этиб тасдиқландилар. Шаҳар партия комитети умумий бўлимининг мудири этиб Е. И. Цветкова тасдиқланди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг муҳаррири этиб Э. М. Эрназаров тасдиқланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук иштирок этди.

Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми

Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг I пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси бўлиб ишлаб келган В. А. Шалупов Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси бюросининг аъзоси ва раиси этиб сайланди.

Назорат-тафтиш комиссияси бюросининг аъзолари ва комиссия раисининг ўринбосарлари этиб шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг инструктори Х. Бахтиёров ва «Узмедтехника» республика ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Ф. С. Исҳоқова сайландилар.

Назорат-тафтиш комиссияси бюросининг аъзолари этиб Октябрь район партия комитетининг биринчи котиби Х. С. Орипов, уруш ва меҳнат кексаси А. М. Богуславский, «Ташинжстрой» трестининг бош инженери В. В. Личков, Тошкент область касаба уюшмаси кенгаши адлия маслаҳатхонасининг мудираси М. И. Пўлатова, шаҳар уруш ва меҳнат кексалари кенгаши раисининг ўринбосари Т. Содиқов, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси А. Н. Умаров сайландилар.

Пленум ишида Тошкент область партия комитети бюросининг аъзолари Р. Қ. Турсунов ва И. И. Федоринов иштирок этдилар.







◉ XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида. Т. Каримов ва Р. Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

АБДУЖАББОРОВ Н. Н. — халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети раисининг ўринбосари.

АВАНЕСОВ С. Е. — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 36-цехининг авиатехниги.

ОДИЛОВ С. Р. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармасининг бошлиғи.

ОДИЛХЎЖАЕВ Б. И. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ижтимоий-иқтисод бўлими мудирининг ўринбосари.

АЗАМАТОВ Э. А. — 2-автобус паркининг ҳайдовчиси.

АКБАРОВ Ш. Т. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети партиявий, ташвиқот ва аҳоли билан оммавий ишлаш усули секторининг мудири.

АЛИЕВ А. М. — халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси.

АЛИЕВ Ғ. — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари.

АЛИХЎЖАЕВ О. С. — халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг раиси.

ОЛТИБОЕВ Н. А. — халқ депутатлари Октябрь район Совети раисининг ўринбосари.

ОМОНОВ М. Д. — 3-автокомбинат ҳайдовчиси.

АМИНОВ М. К. — «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш транспорт бирлашмасининг ҳайдовчиси.

АНТОНОВА Е. Л. — Тошкент телеграф-телефон станциясининг электр монтёри.

ОРИПОВ А. — шоир, Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ОРТИҚОВ А. — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари.

АСОМОВ Ҳ. — синов лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтининг директори.

АСҚАРОВ О. Ҳ.—халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

АТАМАНОВ Д. А. — Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси.

АФАНАСЬЕВА Г. И. — Тошкентдаги 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси.

АҲМАДЖОНОВ А. А. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиши Бош бошқармасининг бошлиғи.

ОХУНЖОНОВ С. С. — уруш ва меҳнат кексалари шаҳар кенгашининг раиси.

БОЙМАТОВА М. Н. — Тошкент шаҳар маиший трикотажлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

БЕГАЛИЕВ К. К. — СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

БЕЛОВ В. С. — 2-маршрутли таксилар автотранспорти корхонасининг автослесари.

БОЙСАРОВ Б. — Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуювчиси.

ВОЛКОВ И. Г. — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

ҒАНИХОНОВ А. Ф. — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ҒОЗИНАЗАРОВ У. А. — Тошкент бирлашган авиаотрядининг командири.

ГЛУБОКИЙ А. В. — 11-баланд иморатлар қуриш трести қурилиш-монтаж бошқармаси бригадасининг бошлиғи.

ГОНЧАРОВА А. В. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари.

ҒУЛОМОВ Р. М. — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ҒУЛОММАҲМУДОВ А. — «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ГУСЕЙНОВ Ислом Гусейн ўғли — «Химфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қирқувчиси.

ДАВЛЕТОВА А. С. — «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг қирқувчиси.

ЖАМИЛОВА Г. М. — «Ёш гвардия» театрининг актёри.

ЖУМАНОВА А. — Тошкент заргарлик заводининг заргари.

ЕФИМОВ Н. В. — Ўрта Осиё газ автоматика воситалари ишлаб чиқариш синов заводининг токари.

ЕФРЕМОВ Б. В. — Тошкент область касаба уюшмаси раисининг ўринбосари.

ЖАВОРОНКОВА Н. В.— қурилиш механизацияси трести участкасининг механиги.

ЖЕЛТОУХОВ В. М.—Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг биринчи ўринбосари.

ЗОҲИДОВА В. М. — металларга ишлов берадиган ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўёқчиси.

ЗУФАРОВ М. З. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи.

ИВАШКИН А. Г. — Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

ИСМОИЛОВ О. Ж. — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг биринчи секретари.

ИСЛОМОВ Р. Ҳ. — Болгариядаги ижтимоий фанлар академиясининг аспиранти.

ИСАМУҲАМЕДОВ Ҳ. А. — тепловоз депосининг тепловоз машинисти.

ҚОДИРОВА Ҳ. Ғ. — Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси.

КАЛОНОВ Р. А. — Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари.

КАМОЛХЎЖАЕВ Ж. — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.

КАМОЛОВ Б. С. — Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Арзон маҳсулот

◉ **ТРАМВАЙ-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 2-троллейбус депоси цехида металл кукунидан транспортлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди.** Бу янгилик машинасозлик технологияси умумий кафедраси билан хўжалик шартномаси асосида, ижодий ҳамкорликда иш олиб борган трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳаракатлар таркиби хизмати ва 2-троллейбус депоси маъмуриятининг техникавий раҳбарлиги асосида амалга оширилди. Бу цехнинг ишга тушишига Сирдарё вилоятининг Гагарин шаҳридаги металл кукунлари ишлаб чиқарадиган завод фаол ёрдам берди.

Металл кукунларидан сифатли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шундай қисмларга сарфланадиган пулни тежаш билан бирга бир неча баробар арзон бўлиб, рангли металлардан тайёрланадиган эҳтиёт қисмлар тақчиллигига чек қўяди, троллейбусларга ўрнатилган қурилмаларнинг узоқ вақт бенуқсон ишлашини таъминлайди.

С. АЛИЕВ.

Қулай мослама

◉ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Автомобиль ва йўллар министрлиги Октябрь райони маҳаллалари учун** қўлда асфальт ётқизиш ва силлиқлаш мосламаларидан 15 тасини совға қилди. Бу анжом маҳаллаларда тузатиш талаб қилинадиган кўча ва йўлкаларни ўз вақтида созлашда катта қулайлик туғдирди.

Н. ҲАМДАМОВ.

Хайрли иш дебочаси

◉ **ЎЗБЕКИСТОН Педагогика фанлари илмий текшириш институти базасида жойлашган жумҳурият илмий-педагогика кутубхонаси фондида психологияга доир адабиётлар ҳам жуда кўп.** Ана шу нашрларни билим масканлари ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари ўртасида кенг ёйиш мақсадида зиё маскани ҳузурида «Ёш оила» клуби очилди.

Клуб фаолиятига етакчи психолог-олимлар яқиндан ёрдам кўрсатиб турибдилар. Тажрибали психолог олим М. Расулова томонидан уюштирилган дастлабки машғулотлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. «Оила соғлиги — жамият бойлиги» мавзуида бўлиб ўтган суҳбат ҳам қизғин савол-жавобга айланди.

Клуб йўли билан мактабларда суҳбат ва мунозаралар ўтказишга ҳам киришилди. Тошкентдаги 84-мактаб педагогик жамоаси бундай тадбирдан беҳад мамнун бўлди.

Кутубхона жамоаси клуб фаолиятига қўмаклашиб, турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этишга киришди. Бу ишнинг дебочаси сифатида «Замонавий оила психологияси» деган китоб кўргазмаси очилди.

С. ОДИЛОВА.

Синов машғулотлари

◉ **ХАЛҚЛАР Дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг табиат-жуғрофия факультети** IV курс талабалари шаҳар мактабларига 45 кунлик синов машғулотлари ўтказишга чиқиб кетишди. Улар пойтахтнинг 73, 118-мактабларида ўқувчиларга табиат фанларидан сабоқ бериб, ўз назарий билимларини синаб кўришмоқда.

Т. МАДАМИНОВ.

Алишер Навоий номи берилди

◉ **КЎП СОНЛИ меҳнаткашларнинг илтимосига биноан Атамалар комиссиясининг қарори билан Санъат саройи Алишер Навоий номи билан атала бошланди.**

М. ҚОДИРОВА.

Йўналишлар ўзгарди

◉ **ЛЕНИН районида истиқомат қилувчи бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг талаблари инобатга олиниб бир неча маршрутли такси, трамвайлар ўз йўналишларини ўзгартирди.**

29-маршрутдаги такси энди Шумилов шаҳарчасига Инқилоб хиёбонидан Мухтор Ашрафий кўчаси бўйлаб Ховос, Менжинский, Сегенов, Лобачев ва Октябрь 10 йиллиги кўчалари орқали боради. Қайтишда эса Бойсун кўчаси орқали Мухтор Ашрафий кўчасига чиқиб ўз йўналишини давом эттиради.

15-маршрутли трамвай эса «Бешқайрағоч» даҳасидан «2-ТошМИ»гача қатнайди. У Тўқимачи, Зиё Санд, Уйғур, Беруний, Навоий, I Май, Карл Маркс кўчаси орқали Тошкент давлат тиббиёт институтига боради.

У. МУҲАМЕДОВ

Бутуниттифоқ кўргазмасига

◉ **ОИБЕК номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ўз фондида йиғилган материаллар асосида Бутуниттифоқ миқёсида кўргазма ташкил этди.** Бу кўргазма Москвада хорижий мамлакатлар адабиётлари давлат кутубхонасининг катта залида тантанали равишда очилди. Кўргазма Москвадаги Улуғ Ватан уруши марказий музейи, Воронеж давлат университети, Бутуниттифоқ хорижий мамлакатлар адабиётлари кутубхонаси ҳамда шахсий коллекционерлар материаллари асосида ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада 2200 дан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Маҳорат ва билимдонлик

◉ **СОБИР Раҳимов районидаги 119-мактабда болалар боғчасида ишлайдиган мусиқа раҳбарларининг «Иқбол» кўрик-танлови ўтказилди.** Беллашувда Г. Дадажонова, Д. Қосимова, Г. Фозилова, Н. Жалолова ва Д. Мураршайхова қатнашдилар. Даврани 299-болалар боғчасининг мусиқа раҳбари Мавлуда Икромова олиб борди.

Ҳар бир танлов шартларини бажаргунларига қадар 130, 229-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари ўзларининг шўх рақслари билан томошабинларни мафтун этишди. 68-болалар боғчасининг мусиқа раҳбари Дилфузахон Қосимова конкурс голиби деб топилди.

— Бундай тадбир районимизда биринчи марта ўтказилмоқда, — дейди район халқ таълими мудираси М. Одилова. — Шунга қарамасдан қизларимиз шартларни маҳорат билан ижро этиб, билимдонлик билан жавоб беришди. Бундай танлов кўрикларини ўқитувчилар ва тарбиячилар орасида ҳам яна давом эттиришга тилак билдирилди.

Ҳ. МИРСАЛИМОВА.

Янгилик! Хабарингиз борми?

ШАРҚ ТИББИЁТИ МАРКАЗИ

◉ **СЎНГГИ вақтларда пойтахтимиз корхоналари билан чет эл фирмалари ўртасида ҳамкорлик қилиш анъанага айланиб қолди. Қатор саноат корхоналари қатори саломатлик посбонлари ўртасида ҳам қўшма даволаш муассасалари ташкил этилди. Жумладан Корея Халқ Демократик Республикасининг «Маннён» фирмаси билан пойтахтимиздаги саломатлик маркази ўртасида ташкил этилган шарқ тиббиёти маркази иш бошлади. Биз мазкур марказда бўлиб, бошқарма раиси ўринбосари Ж. Абдураҳмоновга, «Маннён»нинг Тошкентдаги бошқарувчиси Цой Чхон Кукга мурожаат қилдик.**

— 1988 йилдан бошлаб шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қошида «Саломатлик маркази» ташкил этилди. Жамоамиз асосан шарқ тиббиёти усулида даволашга эътиборни қаратмоқда. Маълумки, шарқ тиббиёти асосан Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси илғор даволаш усуллари бўлиб, шу тажрибаларни ўрганиш мақсадида вакилларимиз Хитой ва Кореяда бўлишиб ҲҚДРнинг «Маннён» фирмаси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузишди.

— **«Маннён»диклар пойтахтимизда қачон иш бошлашди?**

— Биз беморларни 1 Май арафасида қабул қила бошладик. Корейс табиблари профессор Цой Чхон Кук, тиббий фанлар доктори Чо Ун Гор, фан номзодлари Ким Зи Юн, Ан Теч Ван, Ли Ён, Ли Сеч Ван, ҳаммаси бўлиб 32 мутахассис шарқ тиббиёти — нина билан куйдириш, уқалаш ва доривор ўсимликлар билан даволашади.

— **Профессор Цой Чхон Кук, сиз асосан қандай хасталикларни даволайсиз?**

— Ички, руҳий, акушерлик, урологик касалликларга, жами 100 га яқин дардга малҳам бераоламиз. Жарроҳлик ҳам қиламиз. Шунингдек камёб ҳисобланган женьшен доривор ўсимлигидан тайёрланган турли хил дори-дармонларни табиблариимиздан харид қилиш ҳам мумкин.

— **Сизнинг фирмангиз фақат табобат бўйича иш олиб борадими?**

— Шуни айтиш керакки, биз билан бирга қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар ҳам келишган. Улар ҳозир Тошкент вилоятининг Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозида доривор ўсимликларни экиб парвариш қилишмоқда. Бу ўсимликларнинг уруғини Корея Халқ Демократик Республикасидан ўзимиз билан бирга олиб келганмиз. Қўлимиздан келганча барча дардга даво топишга ҳаракат қиламиз.

Суҳбатдош Д. ОБЛАЕВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

14 майдан 20 майгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафта мобайнида кунларнинг ёғингарчиликсиз, иссиқ бўлиши кутилади. Фақат ҳафтанинг бошларида ва охирида айрим районларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳафтанинг биринчи ярмида қисқа муддатга ҳароратнинг пасайиши кутилади. Кечаси 9—15, кундузи 24—29 даража иссиқ бўлади. Сўнгра ҳарорат аста-секин кўтарилиб боради: кечаси 18—23, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан 1—2 даража юқори келиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафта мобайнидаги кутилаётган ҳаво ҳароратининг, атмосфера босимининг, ҳаво таркибидаги кислород миқдорининг тебраниб туриши одатдаги кундалик норма атрофида бўлади, иқлим нормасидан кам фарқ қилади. Бундай иқлим шароитларида об-ҳаво таъсирига мойил беморларнинг аксариятига об-ҳавонинг таъсир этиши эҳтимолдан йироқ. Аммо кундуз кунлари ҳавонинг исиши, унинг таркибидаги кислород миқдорининг камайиши ана шундай кишиларга гипоксик таъсир этиши мумкин. Сурункали кислород етишмовчилигини ҳис этувчи беморларнинг, жумладан артернал гипотония, юракнинг ишемик хасталиги, ўпка-нафас олиш йўллари хасталиги бўлган беморларнинг аҳволи оғирлашиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ана шу тоифадаги беморлар очиқ ҳавода, салқинда кўпроқ бўлишлари, асабий вазиятлардан, жисмоний ва ақлий зўриқишлардан ўзларини эҳтиёт қилишлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилмасликлари лозим.

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси мандат комиссиясининг раиси У. С. СУЛТОНОВА доклади

Шаҳар партия ташкилотининг ҳаёти ва фаолияти бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаёти маромини, КПССдаги ва совет жамиятидаги чуқур ўзгаришларни тўла акс эттиради.

Съезд арафасида кенг қулоч ёйган ҳисобот-сайлов кампанияси шаҳар партия ташкилотининг омма ўртасидаги сиёсий ишларнинг янги шакллари ва усуллари томон юз тутганлигидан, халқ ҳаётидаги етилган муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини аниқ мақсадни кўзлаб изланаётганидан далолат беради.

Шаҳар коммунистлари қайта қуриш ҳал қилувчи даврни бошдан кечираётганлигини идрок этиш билан бирга мамлакатимизнинг тақдири, унинг янгиланган социализм принциплари асосида нормал иш кўриши кўп жиҳатдан партиянинг жамиятни қай даражада ғоявий ва ташкилий жиҳатдан бирлаштира олишига боғлиқ эканлигини тушунадилар.

Шаҳар партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар чоғида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларининг муҳокамаси бўйича авж олиб кетган мунозара аксарият коммунистларнинг КПСС фаолиятининг ана шу асосий ҳужжатлари янгиланишидан, партия ишини ташкил этишнинг демократик, ленинча принциплари қайта тикланишдан улкан даражада манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Бўлиб ўтган йиғилиш ва конференцияларнинг диққатга сазовор жиҳатлари шу бўлдики, улар ишчанлик, амалий руҳда ўтди.

Янги шароитда партия ташкилотлари ишини қайта қуриш йўллари манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Демократик асосда партиялилар оммасининг ҳокимиятини таъминлашга, партиянинг меҳнаткашлар ўртасидаги обрўйи ва таъсирини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди.

Сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ўз меҳнат жамоалари олдидаги ҳисоботлари ижтимоий савол-жавоблари, партия комитетлари ва партия бюролари ҳисобот докладлари тезисларининг олдиндан муҳокама қилиниши — буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди.

Коммунистлар билан бир қаторда 40 мингдан зиёд партиясиз ўртоқлар ўз партия ташкилотларининг, меҳнат жамоаларининг муҳим муаммоларини манфаатдорлик билан муҳокама қилдилар. Улар томонидан билдирилган 50 мингта яқин танқидий мулоҳазалар ва таклифлар ана шундан далолат беради. Танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бир қисми бугунги кунда шаҳар партия ташкилоти фаолиятида амалга оширилмоқда.

Партия комитетлари, бюролари ва конференция делегатлари сайловини демократиялаш ишида кўпгина янгича ёндошувлар қарор топди. Номзодларни кўрсатиш партия группаларида, цех партия ташкилотларида бошланиб, аксарият ҳолларда муқобил номзодлар асосида амалга оширилмоқда. Партия ташкилотларининг ва партия комитетларининг котиблари, одатга кўра, йиғилиш ва конференция барча қатнашчиларининг тўғридан-тўғри овоз бериши йўли билан сайланди.

Тегишли КПСС аъзоларининг сонига эга бўлган 250 дан зиёд бошланғич партия ташкилотлари бевосита шаҳар ва область конференцияларига делегатларни сайлашди. Коммунистлар делегатларни ва бошланғич партия ташкилотларининг раҳбар бўғинларини сайлаш билан бирга юқори партия органлари таркибидаги ўз ваколатлари масалаларини талабчанлик билан ҳар томонлама кўриб чиқдилар. Бошланғич партия ташкилотлари ва район конференциялари томонидан шаҳар ва область партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларига 1300 дан зиёд партия аъзолари тавсия этилди.

Шаҳар партия конференциясига сайланган деярлик барча делегатлар бошланғич партия ташкилотларида муҳокамадан ўтди. Шаҳар коммунистлари конференцияга ўзларининг энг обрўли вакилларини, сўзи ва иши билан омма ишончини қозонаётган, қайта қуришни амалга ошираётган вакилларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Конференция делегатларининг ҳар уч нафаридан бири ҳокимиятнинг олий ва маҳаллий органларига сайланиш учун курашиб, Тошкент меҳнаткашларининг ва аҳолисининг мададига сазовор бўлганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Мандат комиссияси унга тақдим этилган материалларни диққат билан ўрганиб, конференцияга қуйидагиларни маълум қилади: делегатларни сайлаш барча район партия ташкилотларида партия Устави талабларига ва КПСС Марказий Комитети томонидан кўзда тутилган сайловлар тартибига мувофиқ ўтказилган. Тасдиқланган 200 партия аъзосидан 1 делегат ваколатига мувофиқ XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясига 535 делегат сайланган. Уларнинг учдан бир қисми делегат этиб биринчи марта сайланди.

Конференцияда барча делегатларнинг ваколатлари ҳақиқий деб топилди.

Энг йирик район партия ташкилотларидан бири — Куйбишев районидан конференцияда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий бўлинмаларининг, ижодий уюшмалар ва ташкилотларнинг коммунистлари иштирок этишаяпти.

Ленин райони делегацияси сафида «Фотон», «Средазэлектроаппарат», «Кизил тонг» каби йирик бирлашмалар, бошқа корхона ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари бор.

Ҳамза райони делегатлари орасида самолётсозларнинг салмоқли отряди, «Ташсельмаш» бирлашмасининг, уйсозлик комбинатларининг, транспорт ташкилотларининг коммунистлари бор.

Октябрь, Киров, Чилонзор, Фрунзе, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Сергели ва Бектемир районларининг делегатлари шаҳар иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли соҳаларида меҳнат қилишади.

Делегатларнинг таркиби партиямиз байналмилал моҳиятини акс эттиради. Конференцияда 18 миллат ва элатларнинг вакиллари иштирок этяпти. Уларнинг орасида ўзбеклар ва руслар, қозоқлар ва эронликлар, украинлар ва белоруслар, тожиклар ва уйғурлар, корейслар ва немислар, бошқа миллатларнинг вакиллари бор.

Делегатлар сафидан ўзининг бевосита меҳнати билан моддий неъматларнинг яратилишини, шаҳар иқтисодиёти ва ижтимоий базаси мустаҳкамланишини таъминлаётган ишчилар синфи муносиб ўрин эгаллаган.

Юз нафар ишчи делегатдан 2 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга, 67 нафари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган, Жумҳуриятимиз ва мамлакатимизнинг фахрли унвонларига сазовор бўлган. Конференция делегатларининг орасида 77 нафар хўжалик раҳбарлари бор. Бугунги кунда уларнинг зиммасига иқтисодиётимизни такомиллаштириш, унга янада шиддатли маром ва ижтимоий йўналиш бағишлашдек юксак масъулият юкланган.

Конференция ишида илмий, ижодий зиёлиларнинг талайгина вакиллари иштирок этишаяпти. Уларнинг орасида 23 нафар маориф ходими, 18 нафар соғлиқни сақлаш муассасаларининг вакиллари, 11 нафар адабиёт ва санъат арбоблари, 34 нафар миллий ходим бор. 32 нафар конференция делегатига фан доктори ва фан номзоди илмий даражаси берилган.

100 дан зиёд партия ходимларининг, 143 нафар бошланғич цех партия ташкилотлари котибларининг, бюро аъзоларининг, группа партия ташкилотчиларининг, район партия комитетлари деярли барча секретарларининг конференцияга делегат этиб сайланганлиги партия ўтказаётган сиёсатга ишончдан, қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Жамиятни соғломлаштириш, мамлакат сиёсий ҳаётини қайта қуришнинг яхлит концепциясини ва халқнинг ўзини ўзи бошқаруви ваколатли органлари сифатида Советлар ҳокимиятни қайта тикламай туриб амалга ошириб бўлмайди. Конференциянинг мамлакат ва жумҳурият Олий Советига депутат қилиб сайланган 20 делегати, халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутат қилиб сайланган 182 делегати, совет органларида ишловчи 44 делегати ўз ишини бугунги кунда айнан ана шу нуқтаи назардан ёндошиб олиб бормоқда. Демократиялаш, халқнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнларини чуқурлаштириш, меҳнаткашларда социалистик ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини тарбиялаш шароитида жамоат ташкилотларининг аҳамияти беқиёс ошиб боради.

Конференциянинг 16 делегати сайлаб қўйиладиган комсомол органларида, 26 делегати касаба уюшмаси органларида фаол ишлаяпти. 54 нафар делегат халқ назорати комитетлари ва гуруҳларининг вакилларидир. Конференция ишида 25 нафар коммунист — ҳарбий хизматчилар, байналмилалчи жангчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари иштирок этяпти.

Бугунги кунда хотин-қизлар шаҳар партия ташкилоти таркибининг учдан бир қисмини ташкил этади. 109 хотин-қиз коммунистлар шаҳар конференциясининг делегатидир.

Бугун мана шу ерда сочларига қиров тушган кексалар ҳам, ёш коммунистлар ҳам ўтиришибди.

Ёши 30 гача бўлган делегатлар 5 фоизни, ёши 31—50 гача бўлган делегатлар 63 фоизни ва ёши 50 дан ошган делегатлар 32 фоизни ташкил этади. Сўнгги йилларда партияга ўтган делегатлар билан бир қаторда конференция ишида партия стажи 50 йилдан ошган уч коммунист иштирок этмоқда. Жанговар орденларнинг ва кўпгина ҳукумат мукофотларининг нишондорлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Иброҳим Абдураҳимович Раҳимов, Сайфулла Оқмирзаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Мавлон Худойберганович Назаров, Куйбишев район уруш ва меҳнат кексалари кенгашининг раиси С. Д. Коротков шулар жумласидандир.

Коммунист делегатларнинг ёшлик шижоати ва тажрибаси, уларнинг меҳнат кўникмаси ва фаол ҳаётий нуқтаи назари, шак-шубҳасиз, конференциянинг самарали иш олиб боришига хизмат қилади.

Бугун ҳар бир делегат XXVII шаҳар партия конференциясининг мандатини олар экан 100 минг кишилик коммунистлар отряди, шаҳар меҳнаткашлари фаолиятимизда пайдо бўлаётган ижобий жиҳатларни мустаҳкамлашга, етилган муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топишга қодир бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бизга ишониб топширилганлигини ёдида тутиши керак.

Уларнинг ишончини оқлаш бизнинг энг биринчи бурчимиз ва вазифамиздир.

Мандат комиссияси ана шу мураккаб, лекин жуда муҳим ишда барча делегатларга муваффақият тилайди.







⊙ СУРАТЛАРДА: XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида. Т. Каримов ва Р. Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

КОМИЛОВА Г. А. — 6-поликлиниканинг катта тиббий ҳамшираси.

КАРЛОВ В. Д. — Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

ҚОСИМОВ А. К. — халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

КОСТИН Л. А. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

КОНДРАТЬЕВ Г. Г. — Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари.

КРОПАЧЕВА Л. Е. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети мафкура бўлими мудирининг ўринбосари.

КРИСИН А. Ф. — Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг иккинчи секретари.

КУДРЯШОВА Н. И. — «Ташавтоматика» заводининг электр монтажчиси.

ҚЎЗИБОЕВ Н. М. — рассом, СССР рассомлар уюшмасининг аъзоси.

КУЗЬ В. М. — Туркистон Ҳарбий Округи штаби сиёсий бўлимининг бошлиғи.

ҚУРБОНОВ Р. Д. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-совет ишлари бўлимининг мудири.

ҚЎЧҚОРОВА М. С. — «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси ўраш машиналарининг машинисти.

ЛАВРОВ А. П. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳайдовчиси.

ЛОЙКО Е. А. — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари.

ЛИСУХИН В. А. — В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг бошлиғи.

ЛИЧАГИНА Н. И. — Тошкент театр санъати институтининг катта ўқитувчиси.

МАМОНТОВ Б. А. — Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг секретари.

МАХОНИН Н. В. — «Средазремэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр слесари.

МИРЖАЛИЛОВ А. — Тошкент метрополитенининг бошлиғи.

НАЖМИТДИНОВ Ф. Н. —Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси.

НАЗАРОВ О. У. — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни партия комитетининг секретари.

НАЗИРОВА Н. К. — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг дазмолловчиси.

НИЗОМОВ Ш. Ҳ. — Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг биринчи секретари.

НИКУЛИН С. А. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

НУРИТДИНОВ М. М. — синов қуюв заводининг токари.

НУСРАТОВ Ш. Т.—Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари.

ПАРФЕНОВ С. И. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ПИЛЮКОВ С. Н.—Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлимининг инструктори.

ПИНХАСОВ Б. И. — суд тиббиёти экспертизаси илмий-тадқиқот институтининг директори.

ПЛЕШАКОВ В. М. — Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг иккинчи секретари.

ПЛОТНИКОВ В. П. — халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитетининг раиси.

ПРОХОРОВ С. Е. — Тошкент тўқимачилик комбинати йигирув-тўқув фабрикаси устасининг ёрдамчиси.

РАЗЗОҚОВ А. С. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

РАСУЛОВ Ў. Ҳ. — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг директори.

РАСУЛОВ К. Р. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи.

РАФИҚОВ Қ. М.—Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари.

РАҲМАТОВ А. А. — Тошкент рўзғор металлари ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг қолипловчиси.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Ф. Н. — Тошкент чинни заводининг директори.

РАҲМОНОВ А. — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

РЕПИН О. Ю. — Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитети ташкилий бўлимининг инструктори.

РИЗАЕВ Қ. Т. — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

РЯПЧУН М. З. — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг иккинчи секретари.

СОДИҚОВ С. С. — 1-автокомбинат слесари.

САЛАБАЕВА Г. В. — 10-поликлиниканинг бош врачи.

СОЛИХЎЖАЕВ З. Т. — «Водоканал» трестининг бошқарувчиси.

СОЛИҲОВ А. М. — Тошкент шаҳрининг прокурори.

САФИН Я. Г. — 159-қурилиш трестининг электр пайвандчиси.

СОБОЛЕВ Г. И. — Ўзбекистон Компартияси Бектемир район комитетининг биринчи секретари.

СТЕПАНЕНКО Ю. И. — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг иккинчи секретари.

СУДИРОВА С. З. — Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси.

СУЛАЙМОНОВ А. А. — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети партия комитетининг секретари.

ТАТЕОСОВ В. Г. — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ТОШҚУЛОВ С. Т. — Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасининг раиси—халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

ТОШПЎЛАТОВ К. Д. — «Тошкенттикланиш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

ТЎХТАХЎЖАЕВА М. — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий ишлар бўйича проректори.

ТЎЛАГАНОВ К. Н. — «Главташкентстрой» бошлиғи, Ўзбекистон ССР министри.

УЛАНОВ С. А. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ижтимоий-иқтисод бўлимининг инструктори.

ФОЗИЛХЎЖАЕВ Қ. — Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.

ФРОШГЕЙЗЕР В. В. — «Компрессор» заводининг директори.

ҲАБИБУЛЛАЕВ М. — 11-баланд иморатлар қуриш трести қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

ҲАЙДАРОВ Б. А. — «Миконд» заводининг электриги.

ҲАКИМОВ Ж. Л. — Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

ҲАСАНОВ Ў. Ҳ. — Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссарининг ўринбосари.

ҲИКМАТУЛЛОЕВ Р. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ҲИКМАТОВ Ш. — халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси.

ҲЎЖАЕВ Р. Ф. — халқ депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси.

ҲЎЖАЕВ А. М. — «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори.

ЦВЕТКОВА Е. И.—Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети умумий бўлимининг мудири.

ЧЕКМАРЕВ В. А. — Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг биринчи секретари.

ШОАБДУРАҲИМОВ Ш. Р. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

ШОГАЛИЕВ М. С. — Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси.

ШТЕРН Г. Я. — Тошкент метро қурилиши трестининг бошқарувчиси.

ЭРНАЗАРОВ Э. М. — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг муҳаррири.

ЙЎЛДОШЕВ А. В. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети мафкура бўлимининг инструктори.

ЙЎЛДОШЕВ Б. Ғ. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ЙЎЛДОШЕВ К. Ҳ. — «Сергели» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

ЙЎЛДОШЕВ Ҳ. Қ. — Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрининг ўринбосари — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи.

ЙЎЛДОШЕВ Х. Н. —«Ўзхладоторгмонтаж» трести қурилиш-ремонт монтаж бошқармасининг электр механиги.

ЮНОШЕВ И. М. — Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти заводининг ишчиси.

ЮСУПОВ Б. Ю. —Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг биринчи секретари.

ЮСУПЖОНОВА К. К. — «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчиси.

ЮСУПБЕКОВ Н. Р. — Тошкент машинасозлик институтининг ректори.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ

АБДУРАҲМОНОВ А. — Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг иккинчи секретари.

ОДИЛОВ К. С. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси сиёсий ишлар бўлимининг бошлиғи.

АЛИМХЎЖАЕВ С. Ҳ. — Ўзбекистон ССР маданият министрининг ўринбосари — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият Бош бошқармасининг бошлиғи.

ОРИПОВ Ҳ. С. — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари.

ОТАЖОНОВ Ю. Т. — «Совпластитал» қўшма совет-Италия корхонаси қуйиш машиналарининг созловчиси.

ОЧИЛОВА С. А. — Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

БАХТИЁРОВ Х. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг инструктори.

БОГУСЛАВСКИЙ А. М. — уруш ва меҳнат кексаси.

ҒОИПОВ Б. Ш. — халқ депутатлари Бектемир район Совети ижроия комитетининг раиси.

ГОНЧАРОВ М. М. — республика махсус ремонт-созлаш ишлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

ДАМИНОВ Т. А. — педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори.

ЗОКИРОВА М. А. — Тошкент шаҳар 2-клиник касалхонасининг бош врачи.

ИСҲОҚОВА Ф. С. — «Узмедтехника» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

КАЗАРИНОВ Ю. Б. — Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг иккинчи секретари.

КАРИМОВА З. С. — Ҳамза район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси.

КОНОВАЛОВА А. К. — «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг локловчиси.

КОНОШЕНКО Н. П. — қуёш тўсқич мосламалар заводи марказий лабораториясининг мудири.

КРЕСТОВНИКОВ А. Н. — Тошкент шаҳар прокуратураси балогат ёшига етмаганлар ҳақидаги қонуннинг ижроси бўйича бўлими бошлиғи.

КРИЛОВ А. И. — тез ва шошилинч тиббий ёрдам автобазасининг моторчиси.

ҚЎЗИЕВ И. Э. — халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитети молия бўлимининг инспектори.

ЛИЧКОВ В. В. — «Ташинжстрой» трестининг бош инженери.

МАГАЙ Б. Г. — Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг бошлиғи.

МАЛИКОВ Ф. Л. — булка-қандолат комбинати партия«комитетининг секретари.

МАНАСОВ А. А. — Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг биринчи секретари.

МАҲМУДОВ М. — 1-пойабзал фабрикасининг қирқувчиси.

МИНГБОЕВ У. К. — Тошкент шаҳар судининг раиси.

МИХАЙЛЕНКО Н. М. — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

МИШИН В. А. — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг иккинчи секретари.

МУРАВЬЕВ Г. И. — «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ихтисослашган бадиий конструкторлик-технология бюросининг ремонтчи слесари.

МУСАЕВ Н. К. — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бошқармасининг бошлиғи.

МУҲАММАДЖОНОВ М. — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг автомобиль слесари.

ПАНОВА Н. А. — 235-мактаб ўқитувчиси.

ПОЛТАЕВА Ф. А. — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси раисининг ўринбосари.

ПУЛАТОВА М. И. — Тошкент область касаба уюшмалари кенгаши юридик консультациясининг мудири.

РАШИДОВ А. З. — «САНИИРИ» тажриба ишлаб чиқариш корхонасининг фрезерчиси.

РАҲИМБЕРДИЕВ Н. Р. — халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси.

СОДИҚОВ Т. — уруш ва меҳнат кексалари шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари.

САИДАҲМЕДОВА У. У. — «Средазцветмет» трести муҳофазаловчиси.

ТОЖИЕВ Ш. — Тошкент лок-бўёқ заводи директорининг ўринбосари.

УМАРОВ А. Н. — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси.

ФАДЕИЧЕВА Л. П. — Киров район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Р. Ф. — «Ташгорпасстранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

ХМЕЛЬНИКОВА С. А. — Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасининг синовчиси.

ШОҒИЁСОВ Ш. И. — СССР Давлат банки Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиғи.

ШАЛУПОВ В. А. — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси.

ЧЕВТАЕВА Т. В. — граждан авиацияси 243-заводининг нуқсонларни аниқловчиси.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллигига

Ҳамид ОЛИМЖОН

ШОДЛИКНИ КУЙЛАГАНИМНИНГ САБАБИ

Шоирларни кўп ўқиб чиқдим.
Билмаганим қолди жуда кам.
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим.
Кўравериб ҳаммасида ғам.
Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фарёд билан ўриндан турди.
Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб олдим Ҳофизни,
Пушкин менн кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.
Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Ҳайём:
«Чунки ғамга ошнодир ҳол,
Қайғу билан тўлиғдир айём»
Ўйладимму узоқ қолдим жим,
Сўнгра савол қилдим ўзимдан,

Дарё каби тошиб севинчим,
Ёш тирқираб келди кўзимдан.
Шодлик йўлга бошлади менн,
Бахтиёрлик бўлди одатим,
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим.
Чунки эдим қайғуни билмас,
Чунки йўқдир ватанда мотам,
Озод халқим бошига келмас,
Энди сира мусибат ва ғам.
Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим,
Ҳаркун ортар кўзларимда нур,
Шунинг учун йўқ асло ғамим.
Мен биламан, душманим кимлар,
Сергак бўлиб боқдим йўлимга
Чунки халқим барча тилсимлар
Калидини берди қўлимга.



⊙ Улкан адиб, истеъдодли шоир, ёзувчи, журналист, драматург, публицист ва адабиётшунос олим Ҳамид Олимжон ҳаёт мактаби, ижодий мактаб, буюк М. Горький, устод Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абулқосим Лоҳутийлар адабий мактабидан баҳраманд бўлган ва ўзи ҳам бой ижоди билан мактаб яратган бетакрор бадиий сўз санъаткоридир.

ҲАМИД Олимжонни биз бахт, шодлик ва ёшлик куйчиси сифатида биламиз ва эъзозлаймиз. Бироқ адиб урушгача бўлган беш йилликлар даврида, яъни 20-30 йилларда С. Айний, А. Қодирийлар изидан бориб бир қатор сатирик ва ҳажвий шеърлар яратганлигини кўпчилигимиз билмаймиз.

Адибнинг 20-йилларда «Таёқ», «Муштум», «Машраб» каби ҳажвий жаридаларда, «Қизил Ўзбекистон», «Зарафшон», «Меҳнаткашлар товуши» рўзномаларида бошланган сатирик ижоди, гарчи илмий адабиётларда ёритилмаган бўлса-да, у ўзининг ибратомуз томонларига эга.

Устод С. Айний бошчилигида Самарқанд адабий муҳитида ижодий камолотга етган истеъдодли ўзбек ва тожик қаламкашлари сингари ёш шоир Ҳ. Олимжон ҳам Айний, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фитрат, Сўфизода, Ажзий-Сиддиқийлар ҳажвиёти сир-асрорларини пухта ўрганади. Икки тилда ижод этувчи бадиий сўз санъаткорларидан андоза олади. Агар «Муштум» саҳифаларида машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) бошчилигида А. Мажидий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Абдулла, К. Алиев каби ҳажвчи ижодкорлар уюшган бўлса, «Машраб» жаридасида эса ёзувчи Садриддин Айний, Фахридин Рожий, Фитрат бошлиқ ўнлаб ҳажвчи қаламкашлар воя га етдилар.

Маълумки, биринчи ўзбек сатирик жаридаси «Таёқ» ва «Муштум»дан ташқари, Самарқандда «Зарафшон» рўзномасига илова бўлиб «Машраб» (1924—1927) номли ҳажвий жарида ҳам нашр этилган. «Машраб»да Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳожи Муин Шукруллаев, Саидаҳмад Сиддиқий, Абдулҳамид Мажидий, Фахриддин Рожий, Ҳожиолим Қобилов, Назрулла Вектош, Саидаҳмад Васлий, Ғози Юнус каби тажрибали ёзувчи ва шоирлар фаол қатнашган эдилар. Шунингдек, ёшлардан Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Абдулла, К. Алиев кабилар ҳам қатнашиб турадилар.

«Машраб»дан аввал чоп этилган «Таёқ» (1920), «Муштум» (1923) сатирик жаридалари каби янги ҳаётга соя солувчилар, бой-савдогарлар, тескарички унсурлар, бебурд юлғичлар, жамики нуқсон ва камчиликларни ҳажв остига оларди. Жариданинг 1924 йил, 1-сонида унинг муҳаррири Ҳожи Муин

МАКТАБ ЯРАТГАН

«Йўлимиз, тилагимиз» мақоласида қуйидагиларни ёзади: «...Биз бу йўлда одам болаларининг елкасига тармашган замонамиздаги «шиллиқ»ларга қарши «номаколлик» вазифасини бажара олсак ўзимизни бахтиёр санармиз».

Ҳамид Олимжон ўзининг «Шодиёна», «Лотин келадур», «Эй додей», «Вой омон», «Жиззах хотиралари» ва бошқа ҳажвий асарларида янги ҳаёт гулини сўлитмоқчи бўлган шахсларни, эскиликка муккасидан кетган дин ҳомийларини аёвсиз фош этади. Айниқса, «Жиззах хотиралари» номли асарида ўтмишнинг қайтарилмас аччиқ ва уқубатли манзарасини ўқувчига ҳикоя қилиб бериш билан зулм, тутқунлик ва жаҳолатни қаттиқ қоралайди.

Шоир «Вой омон» номли ҳажвий шеърида кўча хандон, уй зиндон бўлмиш саёқ шахсларнинг қинғир қилмишларини аёвсиз фош этади. Адиб ҳажвиётининг тиғи ҳаётдаги айрим иллатлар, ёмон хулқ-атворли кимсалар, товламачи, юлғичлар, эскилик увадасига ўралиб қолган шахсларга қаратилади. Унинг («Машраб» 1926 йил, 2-сон) «Эй додей» номли юмористик шеърида текин йўл билан мўмай пул топиб, беҳуда исрофгарчиликларга ҳуруж қилган кимсалар фош этилади:

Кармонжонлар тўқ эди,
Ғам-ғуссалар йўқ эди.
Уйин-кулги кўп эди,
Қорин-қурсоқ тўқ эди
Э вой, чақ-чақлашардик,
Дод-вой, ўйнашардик.

Ҳ. Олимжон ҳажвнинг ҳужумкор, ўткир ва таъсирбахш қуролэканини яхши ҳис қилди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ҳажвий шеъри, фельетонлари ва мақолаларининг сатирик тиғини тобора ўткирлаштиради, таъсирчанлигини янада оширади. Бу жиҳатдан қараганда шоирнинг «Лотин келадур» номли ҳажвий шеъри ғоят характерлидир. Бунда санъаткор эскилик қобиғига ўралиб олган, ҳар қандай янгиликдан ваҳимага тушадиган кишиларни савалайди.

Булардан ташқари, унинг «Машраб» саҳифаларида ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш, мактаб ва маориф, хотин-қизларни озод қилиш каби долзарб мавзуларга бағишлаб ёзилган кўпгина ҳажвий шеърлари ва мақолалари нашр этилди. Бу асарларда ўша даврнинг қайноқ руҳи мужассамлаштирилган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ҳ. Олимжон 20-йилларда нашр этилган «Машраб» ҳажвий жаридасида мухбир ва журналист сифатида фаол қатнашган ва ўзининг бир қатор ҳажвий асарларини ушбу жарида саҳифаларида эълон қилишга муваффақ бўлган.

«Машраб»нинг 1926 йил, 40-сонида жариданинг икки йиллик тўйи муносабати билан фаол «Машраб»чиларга бағишланган шоир Ҳожи Муин Шукруллаевнинг ўртоқлик ҳазиллари берилган. Жумладан, С. Айний, Н. Бектош, рассом Бўри кабилар енгил юмор қилинган. Рассом Ҳ. Олимжон расмини янги очган Жўжа шаклида тасвирлаган. Шоир «Машраб»нинг бу сонини Самарқанддан Жиззахга бобоси Азим отага юборади. «Машраб» муҳаррири Ҳожи Муин Шукруллаев ёзган ўртоқлик ҳазилида шундай дейди:

Ҳамид Олимжондир жўжа,
«Зарафшон»га эрур Хўжа.
«Учқун»дай қаламн билан
«Машраб»да талпинар Хўжа.

Ҳожи Муиннинг Садриддин Айнийга бағишлаб ёзилган ўртоқлик ҳазилида эса адиб ишчан, беҳуда харжу сарфга қарши тежамкор, саранжом-саришта, энг аввало ҳажвчи адиб сифатида тасвирланади:

Айний ишдан толмайдур,
Пулсиз ерга бормайдур.
Унинг ўткир болтаси
Текин ўтин ёрмайдур!

Ҳ. Олимжоннинг 20-йилларда яратган ҳажвий асарлари кейинчалик ижодий камолоти ўсишида яхши замин бўлди. Бу жиҳатдан шоирнинг турли даврларда ёзган «Марксизм чиқоби остидаги меньшевизм», «Миллатчилик ва аксил инқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти», «Фош қилиш эмас, хаспўшлаш», «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида», «Нима етишмайди?», «Мен ўзбек халқи номидан гапираман» каби адабий-танқидий ва публицистик асарлари характерлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳассос санъаткор, улкан қалб соҳиби Ҳамид Олимжон эҳтиросли лирик шоир бўлиш билан бирга, давр ва замон руҳига мос ҳажвий асарлар яратган бадиий сўз санъаткори ҳисобланади.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Ёдномалар

ЧЎЛПОННИНГ ТЎЙ КЕЧАСИДАГИ ТИЛАГИ

1936 ЙИЛНИНГ ёз ойларидан бирида дўстим Орифжон Расулов тўсатдан уйланадиган бўлиб қолди. Биз Орифжон билан бирга Тошкентда Наримонов номидаги педагогика техникумида бир неча йил давомида бирга ўқиб, битириб чиққан эдик. Шу талабалик йилларида бир-биримизни яхши тушуниб, орамизда қадрдонлик пайдо бўлиб қолган эди. Орифжоннинг гапига қараганда, Сафура исмли татар бир қиз билан танишган, уни ёқтириб қолган, қиз кўнглида ҳам Орифжонга нисбатан мойиллик бордек туюлар эмиш. Демак, келин ташвиши йўқ, у масала ҳал бўлган дейиш мумкин. Фақат гап тўй хусусини ўйлаб кўришда, у тўғридаги маслаҳатни бир ерга тиндиришда қолган, холос.

Орифжон асли андижонлик эди. Тошкентда қариндош-уруғлардан ҳеч ким йўқ, фақат Мирзажон Ёрқандий исмли амакиваччасигина бор. У ҳам биз билан бирга техникумни битириб, ҳозир Тошкент мактабларидан бирида ўқитувчилик қилиб келади. Шундай қилиб, тўй маслаҳати учовимиз — Орифжон, Мирзажон Ёрқандий ва менга қолди.

Тўйга ёзиладиган дастурхон тўғрисидаги гап бир ерга тўхтагандан сўнг, тўйга таклиф қилинадиган кишилар масаласига ўтилганда Орифжон шундай деди:

— Кўп одам йиғолмайман, бунга жой ҳам йўл бермайди, шароит-имкониятим ҳам йўқроқ. Лекин бир кишини албатта таклиф қилиш керак деб ўйлайман. Абдулҳамид ака Чўлпонни кўзда тутяпман. Ўйлайманки, у кишини таклиф қилсак, келсалар керак, чунки Андижонда «Қатор терак» кўчасидаги ҳовлилари билан бизнинг уйдагилар орасида борди-келди бўлиб турар эди, эсдан чиқазмаган бўлсалар керак.

Шундан сўнг тўй кунига ҳозирлик бошланди. Орифжон «Оқ мачит» (сўнгроқ Максим Горький) кўчасидаги мусодара қилинган Аюб бой ҳовлисида унга ажратилган бир хонада турар эди. Хона маълум даражада келин Сафурахон иштирокида безатилиб, дастурхон ёзилгандан сўнг меҳмонлар кела бошлади. Орадан кўп ўтмай Орифжон Абдулҳамид ака Чўлпонни бошлаб хонага кириб келди. Ҳаммамиз у кишининг ҳурмати учун ўринларимиздан туриб, алоҳида илтифот билан кутиб олдик ва салом-аликдан кейин меҳмон атрофидаги бўш стуллардан жой олдик.

Мен фурсатдан фойдаланиб Чўлпонга разм солдим. Шоирни гоҳинбона яхши билсам ҳам, унинг ажойиб сеҳрли шеърларини, бемисл чиройли асарларини кўп ўқиган бўлсам ҳам, ўзини яқиндан кўришим биринчи марта эди. Чўлпон барваста гавдали, оқ-сариқдан келган киши эди. Барваста бўлса ҳам гўштдор, семиз эмас, суякдорроқ кўринарди. Юзида билинар-билинмас сепкили бўлиб, кўзига тақкан кичик ойнали кўзойнаги унинг юзига жозибали нуронийлик бахш этиб турарди. Кишилар билан муомалада яқинлик, илиқлик, гап-сўзларида оддийлик, самимият сезилиб турарди. Ёш, иссиқ мавсум бўлгани учун кийимларида ортиқча алоҳидалик кўринмайди. Ўзига ярашган оддий уст кўйлакда, соқол-мўйлови олинган, ёқимли кўринишдаги одам эди.

Ўн бир ёғочлик уйнинг ўртасига қўйилган, жуда ҳам катта бўлмаган столнинг бошида — тўрида Чўлпон ўтирар эди. Унинг ўнг ёнида келинкуёв, сўнгра қолган меҳмонлар жойлашган. Бутун тўй аҳли шу бир хонага жо бўлгандик.

Ичимизда ёши улуғ ҳам, обрў-мартабаси баланд ҳам азиз меҳмонимиз Чўлпон эди. Чўлпон бировнинг имоси биланми ёки ўзичами, мен сезмай қолдим у ёқ-бу ёққа разм солиб кўйди-да, сўз бошлади:

— Жамоат жам бўлганга ўхшайди. Ўлтиришимизни бошласак ҳам бўлар деб ўйлайман. Албатта, бугун биринчи ва энг мўътабар сўз тўй эгалари ҳақида — келин Сафурахон билан куёв Орифжон ҳақида бўлиши керак. Сизларнинг руҳсатларингиз билан, ўз номимдан ҳам куёв билан келинга бахтли ширин ҳаёт, узоқ умр тилайман. Ўйлайманки, ҳаммаларингиз ҳам шундай яхши тилаклар билан бу ерга келгансизлар. Мана шу эзгу ниятларимиз учун қўлимиздаги қадаҳларни кўтарайлик.

Ичилди, ейилди, лекин Чўлпоннинг биринчи қадаҳ сўзидан кейин жимлик, ўнғайсизлик тугдирадиган бир турли сукунат бошланди. Буни сезган Чўлпон сўзни яна ўзи бошлаб деди:

— Аҳли мажлиснинг кайфиятига қараганда дастурхон эгаси, яъни тамада ўзим бўладиганга ўхшайман. Ҳамшаҳарим Орифжон тўйида хизмат қилсак, қилибмиз-да. Лекин манинг бир шартим бор. Бугунги ўлтиришда шу ерда иштирок қилаётганларнинг ҳар бири бирор нарса билан суҳбатда иштирок этиши керак, майли — ўйинми, ашулами, шеър ўқишми, ҳикоя сўзлашми, майли биз фалон бўлсин демаймиз. Ҳар ким хоҳлаган ҳунари билан қатнашади. Агар шунга рози бўлсаларинг, мана мен ҳозир ўзим бошлайман. Улуғ бобомиз Алишер Навоий рубоийларидан бирини ўқиб бераман. У бузург зот қадаҳ ҳақида айтибдурлар:

Гул вақти муяссар ўлса
гулфом қадаҳ,
Андин сўнг тутса, бир
гуландом қадаҳ.
Манъ айласа борча аҳли
ислом қадаҳ,
Кофирман агар қилмасам
ошом қадаҳ.

Қаранг, ҳаёт завқи, лаззати ҳақида қандай мусиқий равон мисралар тўқилган. Шундай ҳаётий лаззатдан воз кечиш, албатта, кофирлик бўлмаса ҳам, бу шоирона муболаға жоиздур. Бундай шоирона ҳикматлар Навоий хазинасида беҳисоб кўпдир. Қани, энди, — деб давом этди Чўлпон, — келишувимизга мувофиқ ўртоқлардан эшитайлик. Навбат ўнг қўлимдан давом этади, — деди-да, ёнида ўтирган кишига сўз бериб суҳбатни давом эттирди.

Аҳли мажлиснинг ҳар бири ўз ҳурди-ҳолига яраша навбатни олдилар. Баъзилар хиргойи қилиб ашула айтишди, баъзилар қўл кўтариб, оёқ силкиб ўйинга тушишди, баъзилар ҳаяжон билан шеър ўқидилар. Хуллас, ўлтириш жўшга келиб, жонланиб ҳаммани ўзида йўқ руҳлантириб юборди. Бундай кўтаринки руҳнинг ҳосил бўлишида Чўлпон таърифлаган «гулфом қадаҳ»нинг роли эҳтимол кам бўлмагандир.

Сўз навбати менга келганда ийманиб-қимтиниб ўрнимдан турдим-да. Шайх Саъдий «Гулистон»идаги (эҳтимол, шу кезларда аспирантурада форс тилини Фитрат қўлида ўқиб юрганим таъсирида бўлса керак) «ҳикоят»лардан қуйидаги ихчам, лекин ниҳоятда ибратли ҳикояни айтиб бердим:

Ардашер Бабакон ҳикматларида нақл қилинибди:

Кунлардан бир кун араб ҳакимидан одамлар сўрашибди: «Бир кунда кишига қанча таом емак кифоя қилади?» Ҳаким жавоб бериб айтибди: «Юз танга оғирлигидаги таом кишига етарли бўлади». Яна ундан сўрабдилар: «Шу миқдорда таом есанг, унинг қуввати баданни кўтариб юришга етарли бўлади. Агар бундан ортиқчасини есанг, санга у таомни кўтариб юриш керак бўлади», деб жавоб қилибди.

Яна шунинг сингари бир неча сўзлардан сўнг, тўй мажлиси ҳам охирланиб қолди. Буни сезган Чўлпон тўй эгаси Орифжондан фотиҳа ўқишни рухсат олиб, шундай деди:

— Тўкин дастурхон устида яхши, хурсанд ўтиришдик, ўйин-кулгу ҳам бўлди, ибратли, фойдали сўзлар ҳам эшитдик. Ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби, бу ўлтиришимизнинг ҳам охири бор. Ўлтиришимиз охирида, рухсат этинглар, яна бир марта келин-куёвга сиҳат-саломатлик, бу бепоён дунёда бахтиёрлик тилаб қоламиз.

Шундан сўнг ҳаммамиз ўринларимиздан туриб кетишга ҳозирлана бошладик. Орифжон тайин қилган одам Чўлпонни кузатиб қўйиш учун у билан бирга эшикка чиқди, биз қўлимиз кўксимизда Чўлпон билан хайрлашдик.

Ғулом КАРИМОВ,
профессор.

Январь, 1990 й.

Назм дафтаридан

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

(М. Осим хотирасига)

Бу даргоҳга қазинганлар,
Кимлар келиб кетмаган,
Эл бахти деб билган унинг тошгани.
Бу полларда улар оёқ изи бор.
Сафимизда ҳамон ишлаб юрар у
Йўлаклардан асло беўй ўтмаган
Гоҳо тергар, гоҳо улфат, тутар жом.
Ойбек домла,
Камина ҳам умрин ўттиз йилнин
Ёки Абдулла Қаҳҳор.
Ноширликка этган экан бахшида.
Шу бинода бутун умр қисниб,
Кўзга суртар бу даргоҳнинг ҳокини
Танга санаб ўтган
Устозлар-ла ҳамкифт ўтмак яхши-да.
Миркарим Осим,
Қалам аҳли,
Тушлик чоғи овқат-чун уйга бориб,
асло бойиб кетмайди.
Бечора ҳол яшаган Асқар Қосим.
Аммо номи ҳамиша эл оғзида.
Бу даргоҳда
Давлатнинг ҳам усиз кунн ўтмайди,
эрта-кеч ишлаганлар,
Ки, матбуот элнинг ёруғ кўзи-да . . .
Тўқлик билан йўқ бирор кекирганн.
Бу даргоҳга
Мижжа билан доим қудуқ
кимлар келиб кетмаган.

БИЁ-БИЁ

Ўсмали қош, оҳу нигоҳ,
Юзин ширмон кулчами ё?
Қуёш янглиғ гўзал зебо,
Кулиб, боқиб, қиё-қиё,
Дейди доим, «Биё-биё»[1].
Кўзинг гўё оҳангробо,
Имлаб дейди: «Инжа биё»
Мужгонларинг наштармн ё
Санчиб, боқиб, қиё-қиё,
Дейди доим: «Биё-биё».
Ташриф этгум хонангга гоҳ,
Юришларинг товус гўё.
Хумор кўзлар сузилган ё
Кулиб, боқиб қиё-қиё
Дейди жоним: «Биё-биё».
Ман намерам[2], жазманинг бор,
Ундан дилдор кечдингми, ё?..
Ғир-ғир эсар бодн-сабо,
Жонон боқиб қиё-қиё,
Дегай Шамси: «Инжа биё»

Шамси ОДИЛ.

1. Биё-биё — кел-кел
2. Намерам — бормайман.



⊙ «РАҚС САНЪАТИНИНГ ГУНЧАЛАРИ». Т. Каримов сурат лавҳаси.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

14 майдан—20 майгача

Душанба, 14

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Ўзбекистон ССР жўғрофия жамиятининг III съезди. Жўғрофия фанининг назарий ва амалий муаммолари.
18.10 «Озодалик куни». Мультфильм.
18.20 «Қонун ҳамма учун баробар».
19.00 Долзарб мавзу.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига. «Водийларни яёв кезганда». Телекомпозиция.
20.20 «Пиллапоя бўйлаб юқорига». Телефильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Дўст билан обод уйинг». Мусиқий программа.
21.40 «Ҳаёт ҳақида ўйлар». Телефильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Клиника». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус тилида).
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Уйимизни асрайлик».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Меҳри суруд». П. Саидов.
21.40 «Бардамлик ва тетиклик манбаи». Ҳужжатли фильм.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Мана менинг қишлоғим». Бадиий фильм (рус тилида).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 май куни МТ I кўрсатувлари соат 6.00 дан 12.40 гача ЎзТВ 1 канали орқали намойиш этилади.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялари (М. Горький номли киностудия).
10.30 Футбол шархи.
11.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Айна Калнциема чалади (клавесин).
15.40 «Делегатскаядаги музей» (Каргополь).
16.10 Болалар соати (француз тили дарси билан).
17.10 «Қаёққа боряпсан, менинг Россиям?...» Россия «узоқ ерлари»нинг муаммолари ҳақида. («Союзтелефильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Империя». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялари (Канада). Премьера.
22.45 Футбол шархи.
23.15 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 1-кўрсатув.
23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.35 Адабиёт. 9-синф. Н. В. Гоголь. «Шинель».
9.05 Итальян тили.
10.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Олтиоёқлилар маскаради», «Бизнинг жажжи кенгуруларимиз».
10.35, 11.35 Астрономия. 11-синф. Астрономия ва космонавтика.
11.05 «Сиз яратган боғ».

*

12.05 «Порт». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Аёз индустрияси сари» (Йошкар-Ола).
17.10 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Япония — СССР терма командалари. Япониядан кўрсатилади.
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 Мавжуд вазиятга кўра. «Бирдан-бир йўлми?». Ёшларнинг меҳнат тарбиясидаги камчиликлар ҳақида (Донецк).
19.00 Тожикистон ССР Давлат телерадиоси. Тожикистон телевидениесининг программаси.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.45 Чернобиль АЭСи зонасининг муаммоларига бағишланган кўрсатув. Киевдан кўрсатилади.
20.30 Классик кураш. Европа чемпионати. Польшадан кўрсатилади.
21.15 Тинчлик велопойгаси. Чехословакиядан кўрсатилади.
21.35 Телевизион мусиқий абонемент. «Ранг-баранг бўёқлар оҳанги». А. С. Пушкин номли давлат тасвирий санъат музейидаги концертларда. 1-кўрсатув.
22.35 «Вертикаль». «Шахматчи кузи» телевизион ҳужжатли фильмининг премьераси. Шахмат бўйича кўп марта жаҳон чемпиони М. М. Ботвинник ҳақида («Союзтелефильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).

Сешанба, 15

● ЎзТВ I

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Янгиликлар.
17.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Қайрат» (Олмаота) — «Пахтакор» (Тошкент). Олмаотадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Андижон вилояти «Чашма» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Театр ва замон».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Анъана ва замонавийлик». Шаҳар қурилишида халқ меъморчилик анъаналаридан фойдаланиш масалалари (рус тилида).
19.00 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Совет киноси усталари. Кинорежиссёр Борис Кимёгаров.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тони Вендиснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялари.
10.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.30 «Бу бўлган... бўлганди...».
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». Ф. Шопен асарларидан концерт.
16.05 «Бувижон ўргатинг». Мультфильм.
16.15 «Бор бўл, мусиқа!». СССР Давлат телерадиоси болалар Катта хорининг концерти.
17.00 «Пульс-90». «Биз ва иқтисодиёт».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Ёшлар хабарномаси.
19.15 Талабларингизга биноан учрашув. Композитор А. Эшпай Останкино концерт студиясида.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Империя». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялари. Премьера.
22.45 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 2-кўрсатув.
23.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.35 Мусиқа. 3-синф. И. О. Дунаевский.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 7-синф. Уйғониш даври олимлари.
11.05 «Денгиз ҳайвонлари қарорғоҳида». Илмий-оммабоп фильм.

*

12.05 «Нотаниш қўшиқ». Телевизион бадиий фильм («Беларусьфильм»).
12.35 Ритмик гимнастика.

* * *

16.15 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Л. Касаткина.
17.30 Тинчлик велопойгаси. Чехословакиядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушукча».

Чоршанба, 16

● ЎзТВ I

11.30 Ўқув кўрсатуви. Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР халқ депутатларининг вазифалари.
12.00 «Раговар чорбоғи», «Камалак жилоси». Телефильмлар.
12.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Ахборотларни график усулда тасвирлаш.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
18.10 Болалар учун. «Сиэтллик дўстларимиз».
18.45 «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм.
19.00 «Турар-жой қурилиши муаммолари». Якка тартибда уй-жой қурилишининг бориши.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оҳанг» студияси таклиф этади. Эстрада программаси.
20.15 Долзарб мавзу.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Мулоқот». Жумҳурият аэрофлоти раҳбарлари билан учрашув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Давлат болалари». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқий театрининг спектакли.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Мулк: муаммо ва ечимлар» (рус тилида).
18.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ой бориб, омон қайт...»
19.15 «Олтин соат». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон ССР халқ артисти Мастона Эргашева иштирокида халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.40 «Бутун умр мобайнида». Ҳужжатли фильм.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тони Вендиснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Уч банан». Мультфильм.
8.15 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
9.25 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади.
9.45 «Дунё бўйлаб». Альманах.
10.45 «Омадли». Бадиий фильм («Мосфильм»).
11.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши.**
16.25 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.25 «ТелеЭКО» журнали.
17.55 Шеърият лаҳзалари.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Ҳокимият — Советларга». «Истеъфо» (Омск).
19.05 «Ота-она ва болалари». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси).
20.20 Долзарб интервью.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 3-кўрсатув.
21.45 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР терма командалари. Исроилдан олиб кўрсатилади.
23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.35 Физика. 9-синф. Робототехника.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 Адабиёт. 7-синф. М. Сервантес. «Дон Кихот».
11.05 «Фронтдош дугоналар». Концерт.
11.25 Тинчлик велопойгаси. Чехословакиядан кўрсатилади.
11.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюрак буғу боласи». 1-кўрсатув.
20.00 «Объектив».
20.35 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
20.40 Ҳужжатли фильм.
21.00 «Тонгдаги учрашувлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Пайшанба, 17

● ЎзТВ I

11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Моддаларнинг тузилиши ҳақидаги тушунча.
12.00 «Богоявлень хазинаси». Телефильм.
12.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ўсимлик ва атроф-муҳит.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Кўринмас оғу». Телефильм.
18.10 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм.
18.30 Спорт кўрсатуви: Қиличбозлик. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун мусобақалар.
19.00 «Хўжасизликка барҳам берайлик». Жумҳуриятимизда ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.25 Реклама.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув.
21.50 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси (рус тилида).
18.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч».
19.40 Реклама.
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳар бир оила учун».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Кечки кеп».
22.00 «Қирғоқ». Бадиий фильм, субтитр билан. 1-серия (СССР — ГФР, рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Ота-она ва болалари». Телевизион бадиий фильм.
9.15 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР терма командалари. Исроилдан кўрсатилади.
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Темур ва унинг командаси». 1-серия (Одесса киностудияси).
16.20 Арман композитори А. Тертерян ижодига бағишланган фильм-концерт.
16.50 «Қувноқ стартлар».
17.35 Маданий алоқалар: СССР — Франция.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Парнас сари бир босқич».
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Денгиз пиёдалари Президент оркестрининг концерти (АҚШ).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 Режиссёр И. Кийск фильмлари. «Телбалик» («Таллиннфильм»).
23.25 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 4-кўрсатув.
22.50 Жаҳон музейлар кунига. «Қойилмақом Дрезден».
23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.45 Табиатшунослик. 5-синф. Сув ўсимликлари ва жониворларнинг хилма-хиллиги.
8.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Биология. 7-синф. Сут эмизувчилар.
11.00 «Бурда моден» таклиф этади...»

*

12.00 Киноафиша.
12.30 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Чегара, жуда яқин» (Мурманск).
16.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
17.00 Ритмик гимнастика.
17.30 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюрак буғу боласи». 2-кўрсатув.

Жума, 18

● ЎзТВ I

11.30 Ўқув кўрсатуви: Табиатшунослик. Ҳайвонот ва ўсимликлар олами.
12.00 «Хўжасизлик». Телефильм.
12.30 Ўқув кўрсатуви. Физика ва илмий-техника тараққиёти.
13.00 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Ўқув кўрсатуви: Эстетика асослари.
18.10 «Филлар...» Мультфильм.
18.25 Марғилон шаҳар Пионерлар уйи «Шодиёна» ансамблининг концерти.
19.00 «Санъатим — саодатим». Уста Маҳмуд Усмонов.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Томорқа ерларидан унумли фойдаланайлик».
20.15 Катталар учун мультфильм. «Қароқчилар ва созандалар».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Халқ ижодиёти». Лапарлар.
21.45 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Катта кўчадан оркестр билан». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Бадиий гимнастика. Ўзбекистон чемпионати ва спартакиадаси. Репортаж (рус тилида).
18.45 «Уйғун оҳанглар». Фильм-концерт.
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод». Тошкент вилоятида ҳунар-техника таълими ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Қирғоқ». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Мультфильмлар: «Ромка, Фомка ва Артос» (1—3-фильмлар).
8.30 «Қувноқ стартлар».
9.15 Денгиз пиёдалари Президент оркестрининг концерти (АҚШ).
10.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.00 Йил фасллари. Май.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Темур ва унинг командаси». 2-серия.
16.20 «Агар сизга...».
17.05 «Нима нимага ўхшайди?». Мультфильм.
17.10 ТВ — экскурсия. «Малая Никитская, 6» (А. М. Горький музейи).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Шеърият лаҳзалари.
18.35 «Эҳ, Россия, сен Россия...». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Ҳокимият ва халқ», 2-фильм — «Ижодкор ва ҳокимият» (Свердловск киностудияси).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 Брейн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.50 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 5-кўрсатув.
22.20 «Нигоҳ».
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.35 Тарих. 5-синф. Москва — Рус давлатининг пойтахти.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. XVII аср рус маданияти.
11.05 «Саркарда». А. В. Суворов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).

*

12.05 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.05 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

* * *

16.30 Қўшиқ инсон билан қолади. «Номсиз тепаликда».
17.20 «Эчкича». Мультфильм.
17.30 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Совға».

Шанба, 19

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Қизил асаларилар». Бадиий фильм («Ленфильм»).
11.10 «Пойтуғ тўқимачилари». 2-кўрсатув.
11.40 А. Цагарели, Г. Канчелли. «Хонима-хоним». А. Н. Островский номидаги Тошкент давлат Театр ва рассомчилик санъати институти талабаларининг диплом спектакли.
13.45 «КПСС Устави лойиҳасини муҳокама қиламиз».

Тижорат кўрсатуви

14.30 «Давр тақозоси». Фарғона вилояти матлуботчиларининг меҳнат фаолияти ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Менинг жон пионерим».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Оқшом эртаклари».
21.15 «Барҳаёт наволар». Шерозий.
21.55 Реклама.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Барҳаёт наволар». Шерозий (давоми).
23.20 Ҳамид Олимжон. «Зайнаб ва Омон». Телевизион театр.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика.
9.15 «Савту калом». Шоир Ашур Сафар шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
10.05 Кинопрограмма.
11.00 «Калта енг». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Мутлақо сир эмас».
18.15 «Калта енг». Бадиий фильм.
19.30 «Новости».
19.50 Фильм-концерт.
20.10 «Эҳтиром». Душанбе шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиси Раиса Бибарсова.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Хотира». Боқи Раҳимзода.
23.20 «Мулоқот». Телефильм-комедия.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Сиз яратган боғ».
8.30 «Инсон. Ер. Коинот».
9.30 Останкино концерт студиясида В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти мукофоти лауреатларининг концерти.
10.15 «Тақдир чизиғи. СССР халқ артисти Стефания Станюта». Фильм-концерт.
11.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
11.55 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Август кунлари», 6-серия — «Чақмоқ чаққанда» (Чехословакия).
14.10 «Спектр».
14.40 «Руҳий ҳаракат» (инсон психикаси резервлари).
15.25 «Фақат пўлат билангина эмас». Экология муаммолари ва хўжалик ҳисоби ҳақида (Волгоград).
15.45 «Ҳайвонот оламида».
16.45 «Сиёсий мулоқотлар». КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз.
18.15 «Ўнгача санашни биладиган эчкича ҳақида». Мультфильм.
18.25 «Халқаро панорама».
19.10 «Ер — она масканимиз» фотоконкурси.
19.15 «Степан Сергеевич». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»). Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Степан Сергеевич». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.05 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
23.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
23.30 Оммавий мусиқа янгиликлари. «А» программаси.

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Минора». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»).
9.10 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Тост ёки журналист монологи». Латвия ўрмонлари ҳақида (Рига).
9.30 «Солдат Иван Бровкин». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.00 Концерт.
11.30 «Совет Россияси» видеоканали.
14.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Иллюзион». «Мэри Пикфорд бўсаси». Бадиий фильм («Межрабпом-Русь» ва «Совкино», 1927 й.).
17.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
17.55 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти Н. Некрасов.
18.25 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фил ҳақида эртак». Кўрсатув тугагач — Тунги сеанс. «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм (Рига киностудияси).

Якшанба, 20

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.25 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев.
11.25 Спорт кўрсатувлари: 1. Халқ ўйинлари. 2. У-шу.
12.25 «Дўстлик» программаси. «Рангинкамон».
13.55 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
14.35 «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Пионерман — пионер». Болалар учун концерт.
18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Мушоҳада».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ҳинд кинофильмларидан концерт.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мерос». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий кўрсатув.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Мўъжиза алифбо».
10.45 «Ҳоки пайванди». Ҳожи Абдулазиз ҳақида хотира.
11.35 «Никоҳ саватидаги миллионлар». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

16.25 «Киномеридиан». Қирғиз киносининг бугуни ва эртаси.
16.55 «Хива вақти билан роппароса соат еттида». Фильм-концерт.
17.25 «Кадр ортидаги учрашувлар». РСФСР халқ артисти А. Кузнецов.
18.15 «Архивдаги киноальбом». Режиссёр Дмитрий Эрдман.
19.00 «7 кун».
19.30 «Ипподром-90».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Севги бобида тижоратга ўрин йўқ». Бадиий фильм, субтитр билан (рус тилида).

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия — «Ҳаёт учун эмас, ўлим учун», 8-серия — «Шундай кун яқин».
14.30 «Здоровье».
15.15 «Мусиқий киоск».
15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Еввойи оққушлар». Бадиий фильм («Таллинфильм»).

Якшанба кинозали

18.30 «Хўтик». Мультфильм.
19.00 «Ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди». Бадиий фильм («Молдова-филм»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.30 «Абадият ҳақида ўйлар».
21.15 Г. Черноба, Д. Хворостовский ҳамда Москва Давлат симфоник оркестри ижросида П. И. Чайковский операларидан парчалар. Дирижёр — А. Степанов.
22.15 «Сиёсий мулоқотлар». «Бизни нималар бирлаштиради?».

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг.
7.45 «Мужиклар». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.15 Киев Давлат филармониясининг Н. Ризоль раҳбарлигидаги баянчилар квартети чалади.
9.25 «Иван Бровкин қўриқда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
12.30 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа.
13.30 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Ер эди». Ҳужжатли фильм премьераси. Қишлоқ хўжалигида гербицидларни қўлланиш билан боғлиқ экологик муаммолар ҳақида («Молдова-филм»).
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 Сизни Москва Кремли комендатурасининг намунали кўргазмали оркестри таклиф этади.
18.15 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 1-қисм.

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 04249.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.